

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА «ИЛМИЙ-
ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.03.03 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«ФИЗИКА-ҚУЁШ» ИИЧБ ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

АВЕЗОВА НИЛУФАР РАББАНАКУЛОВНА

**ЯССИ КОЛЛЕКТОРЛАРДА ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИНИ ИССИҚЛИККА
АЙЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА
УЛАРНИНГ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИНИ ИССИҚ СУВ
ТАЪМИНОТИ ТИЗИМЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**05.05.05 – Иссиқлик техникасининг назарий асослари;
05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Авезова Нилуфар Раббанакуловна

Ясси коллекторларда қуёш энергиясини иссиқликка
айлантириш жараёнларини моделлаштириш ва уларнинг
параметрларини иссиқ сув таъминоти тизимларида
фойдаланиш учун оптималлаштириш..... 3

Авезова Нилуфар Раббанакуловна

Моделирование процессов теплового преобразования
солнечной энергии в плоских коллекторах и оптимизация
их основных параметров для использования в системах
горячего водоснабжения..... 29

Avezova Nilufar Rabbanakulovna

Simulation of solar thermal conversion processes in flat-plate
collectors and optimization their main parameters for using in
hot water supply systems..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА «ИЛМИЙ-
ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.03.03 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«ФИЗИКА-ҚУЁШ» ИИЧБ ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

АВЕЗОВА НИЛУФАР РАББАНАКУЛОВНА

**ЯССИ КОЛЛЕКТОРЛАРДА ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИНИ ИССИҚЛИККА
АЙЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА
УЛАРНИНГ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИНИ ИССИҚ СУВ
ТАЪМИНОТИ ТИЗИМЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**05.05.05 – Иссиқлик техникасининг назарий асослари;
05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/T43 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Физика-Куёш» ИИЧБ Физика-техника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасига (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталига (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Абдурахмонов Абдужаббор**
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Попель Олег Сергеевич**
техника фанлари доктори, профессор

Аббасов Ёркин Садикович
техника фанлари доктори, доцент

Юлдошев Исроил Абриевич
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва «Илмий-техника маркази» МЧЖ ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.03.03 рақамли бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2. Тел./ факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2. Тел./ факс: (99871) 227-03-41.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

К.Р. Аллаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ЎзР ФА академиги,
т.ф.д., профессор

О.Х. Ишназаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

Дж.Н. Муҳиддинов

Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
даражалар берувчи илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги. Дунё миқёсида энергетика амалиётида ноанъанавий ва қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш кўламларини кенгайтириш, углеводородли ёқилғи-энергетик ресурсларни тежаш ва экологик мувозанатни барқарорлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг «узоқ муддатли миллий энергетик дастурларида қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш улушини камида 20 фоизга етказиш вазифаси белгиланган»¹. Бу борада жаҳон амалиётида қайта тикланувчан энергия манбаларидан бири ва кўлами жиҳатидан устуворликка эга бўлган қуёш энергиясидан иссиқлик ва электр таъминоти тизимларида фойдаланиш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда ва ўз навбатида мазкур соҳанинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда иссиқ сув таъминоти тизимларига ясси қуёш коллекторларини жорий қилиш, ҳамда уларнинг иссиқлик самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан, 2016 йилда дунё мамлакатларида сув иситиш учун фойдаланилаётган ясси қуёш коллекторларининг умумий қуввати 456 ГВт (652 млн. кв.м.), улардан фойдаланишнинг йиллик ўсиш суръати 2004-2016 йиллар мобайнида 13,69 фоизни ташкил қилган². Бу борада қуёш энергиясини ясси қуёш коллекторларида иссиқлик энергиясига айлантириш жараёнларини моделлаштириш, уларнинг конструктив, иссиқлик-техникавий ва режим параметрларини оптималлаштириш, иссиқлик синовларини такомиллаштириш, иссиқ сув таъминоти тизимларида фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий ва муҳандислик асосларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг турли тармоқларида қуёш энергиясидан кенг миқёсларда фойдаланиш учун технологик жиҳатдан тайёр соҳалардан бири уни иссиқлик энергиясига айлантириш ва ҳосил қилинган энергиядан турар-жой бинолари, коммунал-маиший ва ижтимоий объектларнинг иссиқ сув таъминоти тизимларида иссиқлик манбаи сифатида фойдаланиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, иссиқ сув таъминоти тизимларининг асосий элементи бўлган ясси қуёш коллекторларининг самарадорлиги юқори бўлган янги авлодларини, улар асосида икки контурли иссиқ сув таъминоти тизимларини яратиш ҳамда қуёший-ёқилғили қозонхоналарни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда сезиларли натижаларга эришилди. Шу билан бирга ясси қуёш коллекторларини мунтазам такомиллаштириш, иссиқ сув таъминотида фойдаланиш кўламларини кенгайтириш учун уларнинг техникавий-иқтисодий ва экологик кўрсаткичлари тўғрисидаги илмий асосланган натижалар талаб этилмоқда. 2017-2021 йилларда

¹ <https://ec.europa.eu/programmes/horizon2020/>

² «Solar Heat Worldwide. Global Market Development and Trends in 2016. Detailed Market Figures 2015». IEA Solar Heating & Cooling Programme, May 2017.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... яқин келажакда устувор вазифа сифатида иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сиғимларини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ...»³ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, ясси қуёш коллекторларининг иссиқ сув таъминоти тизимларида фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг асосий параметрларини оптималлаштириш, қуёш энергиясини иссиқликка айлантириш жараёнларини моделлаштириш ечимларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчан энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сон «Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларини ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, бошқа илғор технологиялар, иссиқлик қурилмаларини яратиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴.

Қуёш энергиясини суюқликларни қиздиришга мўлжалланган ясси қуёш коллекторлари ёрдамида иссиқликка айлантиришнинг илмий-амалий жиҳатларига йўналтирилган изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, жумладан Висконсин университетида (АҚШ), Қуёш технологиялари институтида (Швейцария), Қуёш энергияси миллий марказида (Ҳиндистон), Хитой халқ республикаси Фанлар академияси Энергетик тадқиқотлар институтида (Хитой халқ республикаси), АҚШ миллий стандартлар бюросида (АҚШ), Россия Фанлар академияси Бирлашган юқори ҳароратлар институтида (Россия Федерацияси), Туркменистон Фанлар академиясининг «Гун» ИИЧБсида (Туркменистон) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Қуёш» ИИЧБсида (Ўзбекистон) кенг миқёсларда олиб борилмоқда.

Коллекторларда қуёш энергиясини иссиқликка айлантириш жараёнларини чуқур тадқиқ қилиш ва уларнинг асосий параметрларини иссиқ сув таъминоти тизимлари талабларига мослаштириш бўйича дунё миқёсида бир

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.iea-shc.org>; <http://www.ren21.net>; Даффи Дж., Бекман У. Основы солнечной теплоэнергетики. Пер. с англ. – Долгорудный: Издательский дом «Интеллект», 2013. – С. 888 ва бошқа манбалар асосида бажарилган.

қатор долзарб муаммолар ечилган ва қуйидаги муҳим илмий натижаларга эришилган, жумладан: қуёш иссиқлик таъминоти тизимлари ва қайта тикланувчан энергия манбаларини динамик моделлаштириш дастурини яратиш борасидаги ҳисобий-назарий ва тажрибавий изланишлар асосида ясси қуёш коллекторларнинг сертификацион синовларини ўтказиш усуллари ишлаб чиқилган (Висконсин университети, АҚШ; Қуёш технологиялари институти, Швейцария; Қуёш энергияси миллий маркази, Ҳиндистон); жаҳон миқёсида ишлаб чиқарилаётган ясси қуёш коллекторларнинг 70% улушини ташкил қилувчи шишадан ясалган ва нур ютувчи сиртида селектив қопламалари бўлган қувурсимон вакуум коллекторлари яратилган (Хитой Халқ Республикаси Фанлар академияси Энергетик тадқиқотлар институти, Хитой Халқ Республикаси); суюқ иссиқлик ташувчи муҳитларни қиздиришга мўлжалланган ясси қуёш коллекторлари ва улар негизида алоҳида ишловчи ва мужассамлашган иссиқ сув таъминоти тизимларининг, ҳамда биноларни иситишга ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритишга мўлжалланган қуёший ҳаво иситгичларнинг наъмунавий нусхалари яратилган ва уларнинг асосий иссиқлик-техникавий тавсифлари аниқланган (АҚШ Миллий стандартлар бюроси, АҚШ; Россия Фанлар академияси Бирлашган юқори ҳароратлар институти, Россия Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институти, Ўзбекистон).

Дунёда қуёш энергиясини коллекторлар ёрдамида иссиқликка айлантириш жараёнларини моделлаштириш ва ясси қуёш коллекторларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда: тежамкор иссиқ сув таъминоти тизимлари қурилмаларини ишлаб чиқиш, уларнинг асосий иссиқлик-техникавий параметрларини оптималлаштириш, турли иссиқлик ташувчи муҳитларни иситишга мўлжалланган ясси қуёш коллекторларини яратиш ва самарадорлигини ошириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар қуёш энергиясини ясси қуёш коллекторлари ёрдамида иссиқликка айлантириш муаммолари Қайта тикланувчан энергия манбалари миллий лабораториясида (NREL, АҚШ), коллекторларни сертификатлаш маркази (ALTEN-1, Германия) ва бошқа кўплаб илмий марказларда олиб борилган. Жаҳон бозорида ясси қуёш коллекторларининг юқори самарадорлигини таъминлаш борасидаги тадқиқотлар асосан янги материаллар ва технологиялардан фойдаланиш асосида Five Star (XXP), Viessmann (Германия) ва GREENoneTEC (Австрия) компанияларида олиб борилган⁵.

Россия Фанлар академияси Бирлашган юқори ҳароратлар институти-нинг Қайта тикланувчан энергия манбалари ва энергия тежамкорлиги лабораториясида ясси қуёш коллекторларининг иссиқлик ва атмосфера таъсирига бардошли пластиклардан ясалган авлодлари яратилган ва уларнинг иссиқлик синовлари услублари такомиллаштирилган. Бутунроссия қишлоқ хўжалигини электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида ясси қуёш коллектор-

⁵ Попель О.С., Фортов В.Е. Возобновляемая энергетика в современном мире. М.: Изд.дом МЭИ, 2015. – 450 с.

лари учун вакуумлаштирилган шаффоф қопламалар яратилган. Сув ва ҳавони иситишга мўлжалланган ясси қуёш коллекторларни яратиш ва самарадорлигини ошириш борасидаги илмий тадқиқот ишлари Р.Б.Байрамов ва А.Д.Ушакова (Туркменистон Республикаси), А.И.Исманжанов (Қирғизистон Республикаси), Р.А.Зоҳидов, Р.Р.Авезов, Ш.К.Клычев, Ё.С.Аббосов, С.Ф.Эргашев, З.С.Искандаров ва Б.Э.Хайриддиновлар (Ўзбекистон Республикаси) раҳбарлигида бажарилган.

Шу кунга қадар олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида ясси қуёш коллекторларнинг шаффоф қопламалари ўта шаффоф ҳисобланиб, улар орқали ўтаётган қуёш нурларининг қисман ютилиши ва иссиқликка айланиши натижасида шаклланадиган ички иссиқлик манбаи таъсирини ҳисобга олиш ва унинг коллекторлар нур ютувчи иссиқлик алмаштиргич панелларининг мазкур шаффоф қопламалар орқали атроф-муҳитга йўқотадиган иссиқлик оқимини камайтириши мумкинлигига етарлича эътибор берилмаган, ясси қуёш коллекторларнинг максимал иссиқлик унумдорлигини улар нур ютувчи иссиқлик алмаштиргич панелларининг минимал массасида таъминлаш муаммолари ўз ечимини топмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика–Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Физика-техника институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ПФИ-3 «Ясси қуёш иссиқлик коллекторларининг «шаффоф қоплама-нур ютувчи иссиқлик алмаштиргич панел» тизимининг оптикавий ва иссиқлик-техникавий тавсифларини тадқиқ қилиш» (2007-2011), ППИ-4 «Суюқ иссиқлик ташувчи муҳитларни қиздиришга мўлжалланган ясси қуёш коллекторлари ва абсорберларининг асосий иссиқлик-техникавий параметрларини аниқлаш ва уларнинг иссиқлик синовларини ўтказишнинг тезкор усулини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш» (2015-2017) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ясси қуёш коллекторларининг иссиқ сув таъминоти тизимларида фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг асосий иссиқлик-техникавий ва конструктив параметрларини оптималлаштириш ва уларда қуёш энергиясини иссиқликка айлантириш жараёнларини моделлаштириш ечимларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ясси қуёш коллекторларининг шаффоф қопламалари орқали ўтувчи қуёш нурланишининг қисман ютилиш ва иссиқликка айланиш жараёнларини моделлаштириш асосида уларда ҳосил бўлган ички иссиқлик манбаининг қувватини мазкур шаффоф қоплама қалинлиги бўйича экспоненциал қонуният бўйича тақсимланишини эътиборга олган ҳолда аниқлаш учун ҳисобий ифодани ўрнатиш;

ясси қуёш коллекторларининг шаффоф қопламаларида ички иссиқлик манбаи мавжуд бўлганда уларнинг ички ва ташқи сиртларида ҳарорат ва юзавий иссиқлик оқими зичлиги қийматларини аниқлаш учун ҳисобий ифодадларни келтириб чиқариш;

ясси куёш коллектори нур ютувчи иссиқлик алмаштиргич панелларининг келтирилган самаравий иссиқлик йўқотиш коэффициентини уларнинг ўртача иш ва атроф муҳит ҳарорати, шаффоф қоплама орқали ўтаётган куёш нурларининг қисман ютилиши ва иссиқликка айланишини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш учун аппроксимацион ифодани келтириб чиқариш;

ясси куёш коллекторининг япроқ-қувур шаклидаги нур ютувчи иссиқлик алмаштиргич панелларининг ўртача иш ҳароратини бевосита аниқлаш ва уларнинг иссиқлик ташувчи каналларида ҳаракатланаётган суюқликнинг ўртача массавий ҳароратини аниқлаш услубларини ишлаб чиқиш ҳамда мазкур турдаги нур ютувчи иссиқлик алмаштиргич панелларнинг қувурлараро масофаларини оптималлаштириш;

ясси куёш коллекторларининг квазибарқарор табиий шароитларда қисқа муддатли иссиқлик синовларини ўтказиш учун мўлжалланган тажрибавий стендни яратиш ва ундан ясси куёш коллекторларининг асосий иссиқлик-техникавий параметрларини аниқлашда фойдаланиш, ҳамда синов натижаларини қайта ишлаш услубларини такомиллаштириш;

ясси куёш коллекторларининг солиштирма иссиқлик унумдорлигини улар ёрдамида қиздирилаётган сувнинг олдиндан белгилаб қўйилган ҳароратига боғлиқ ҳолда аниқлаш учун иссиқлик моделини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш асосида мазкур коллекторларнинг кунлик, ойлик ва йиллик иссиқлик унумдорлигини, техникавий-иқтисодий ва экологик кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ясси куёш коллекторлари, уларнинг шаффоф қопламалари ва япроқ-қувур шаклидаги нур ютувчи иссиқлик алмаштиргич панеллари танланган.

Тадқиқотнинг предмети ясси куёш коллекторлари шаффоф қопламалари ва нур ютувчи иссиқлик алмаштиргич панелларида куёш энергиясининг иссиқликка айланиш қонуниятлари, япроқ-қувур шаклидаги нур ютувчи иссиқлик алмаштиргич панелларида рўй берадиган иссиқлик жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ясси куёш коллекторлари унсурларида куёш нурланишининг қабул қилиниши, ютилиши ва иссиқликка айланиш жараёнларининг физикавий модели ва уни ҳисобий амалга ошириш учун иссиқлик техникаси назарий асосларининг тан олинган усуллари, ясси куёш коллекторларининг асосий иссиқлик-техникавий параметрларини аниқлаш учун иссиқлик моделлаштириш услублари ва табиий шароитдаги тажриба усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ясси куёш коллекторлари шаффоф қопламалари орқали ўтаётган куёш нурланишининг қисман ютилиш ва иссиқликка айланиш жараёнларини моделлаштириш асосида уларда шаклланган ички иссиқлик манбаи қувватини аниқлаш учун янги аналитик ифода ишлаб чиқилган;

шаффоф қопламаларда ички иссиқлик манбаи мавжуд бўлганда уларнинг қалинлиги бўйича ҳарорат ва иссиқлик оқимлари юзавий зичликларининг тақсимланиши ва уларнинг мазкур шаффоф қоплама ички

ҳамда ташқи сиртларидаги қийматларини аниқлаш учун тегишли ифодалар ишлаб чиқилган;

ясси қуёш коллекторлари нур ютувчи иссиқлик алмаштиргич панелларининг келтирилган самаравий иссиқлик йўқотиш коэффициентини уларнинг ўртача иш ҳамда атроф-муҳит ҳароратларини эътиборга олган ҳолда ҳисоблаш учун аппроксимацион ифода ишлаб чиқилган;

илк бор ясси қуёш коллекторларининг япроқ-қувур шаклидаги нур ютувчи иссиқлик алмаштиргич панелларида кечаётган иссиқлик жараёнларини моделлаштириш асосида уларнинг ўртача иш ҳароратини бевосита аниқлаш услуби, улар орқали ҳаракатланаётган суюқликнинг ўртача массавий ҳароратини аниқлаш учун аналитик ифода ишлаб чиқилган;

ясси қуёш коллекторлари нур ютувчи иссиқлик алмаштиргич панелларининг қувурлараро масофасини комплекс оптималлаштириш услуби таклиф қилинган ва уларнинг қувурлараро масофаси оптимал қийматининг мазкур панелларнинг нур ютувчи пластинкаларининг самаравий иссиқлик йўқотиш коэффициенти, қалинлиги, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентиға боғлиқлик графиги илк бор ҳосил қилинган;

суюқликларни қиздиришга мўлжалланган ясси қуёш коллекторларининг табиий шароитда иссиқлик синовларини ўтказиш учун тажрибавий стенд яратилган ва унинг ёрдамида коллекторларнинг қисқа муддатли иссиқлик синовларини ўтказиш, синов муддатларини қисқартириш ва уларнинг натижаларини қайта ишлашнинг тезкор услублари ишлаб чиқилган;

илк бор ясси қуёший коллекторларнинг иссиқлик унумдорлигини улар ёрдамида қиздирилаётган сувнинг олдиндан белгилаб қўйилган ҳароратига боғлиқ равишда аниқлаш учун уларнинг иссиқлик модели ишлаб чиқилган;

илк бор ясси қуёший сув иситгич коллекторларнинг йиллик ва мавсумий (йилнинг илиқ даврларида) иссиқлик унумдорлигини аниқлаш учун аппроксимацион ифодалар ишлаб чиқилган ва мазкур коллекторларнинг иссиқ сув таъминоти тизимларида оқилона фойдаланиш муддатлари, техникавий-иқтисодий ва экологик кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

япроқ-қувур шаклидаги нур ютувчи иссиқлик алмаштиргич панелларнинг қувурлараро масофасини мазкур панелларнинг нур ютувчи пластинкаларининг қалинлиги, самаравий иссиқлик йўқотиш ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда оптималлаштириш услуби ишлаб чиқилган;

суюқ иссиқлик ташувчи муҳитларни қиздиришга мўлжалланган ясси қуёш коллекторларининг асосий иссиқлик-техникавий параметрларини аниқлаш бўйича ўтказиладиган иссиқлик синовлари натижаларини тезкор қайта ишлаш услуби ишлаб чиқилган;

ясси қуёш коллекторларининг оний иссиқлик унумдорлигини улардан олинадиган иссиқ сувнинг олдиндан белгилаб қўйилган ҳароратига боғлиқ равишда аниқлашнинг муайян ечимлари ишлаб чиқилган;

ясси куёш коллекторларининг йил ва йилнинг илик мавсуми давомидаги иссиқлик унумдорлиги, самарадорлиги ва тегишли техникавий-иқтисодий ва экологик кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги атроф муҳитнинг кўп йиллик ўртача статистик метеопараметрларидан, замонавий моделлаштириш ва оптималлаштириш усулларидан, ҳисоблаш техникаси ва ўлчов воситаларидан фойдаланилганлигига асосланади, ҳамда бир хил шароитларда ҳисобий ва тажрибавий натижаларнинг ўзаро мос келиши ва тадқиқот натижаларининг мазкур соҳада илгаридан маълум бўлган ечимлар билан таққосланиши ва уларнинг тадқиқотда таклиф қилинган умумий ифодалар ва ечимлардан хусусий ечим сифатида келиб чиқиши билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иссиқлик техникаси назарий асосларининг жисмларда ички иссиқлик манбаи мавжуд бўлган ҳолдаги иссиқлик ўтказувчанлик бўлими ва қисман нур ютувчи шаффоф қопламали ясси куёш иссиқлик қурилмаларининг иссиқлик ҳисоби назарияси ва амалиёти ривожига қўшган ҳиссаси билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ясси куёш коллекторларининг япроққувур шаклидаги нур ютувчи иссиқлик алмаштиргич панелларининг асосий иссиқлик-техникавий параметрларини оптималлаштириш бўйича натижалари келгусида мазкур коллекторларнинг янги, кам металл сарфловчи, иссиқлик-техникавий параметрли оптималлаштирилган авлодларини яратишга, коллекторларнинг иссиқлик синовлари натижаларини қайта ишлашнинг тезкор услуби уларни синаш учун талаб қилинадиган муддатни 8-10 мартагача қисқартириш имкониятини беради. Шу билан бирга тадқиқотнинг ясси куёш коллекторларининг йиллик иссиқлик унумдорлиги ва улардан фойдаланиш асосида CO_2 эмиссияси миқдорининг камайишини аниқлаш бўйича натижалари республика вазирликлари ва муассасалари томонидан куёш энергиясидан иссиқ сув таъминоти тизимларида фойдаланиш ҳисобига анъанавий ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитга чиқариб ташланадиган CO_2 эмиссияси миқдорини камайтириш бўйича тадбирларни режалаштиришда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ясси куёшлий коллекторларнинг иссиқ сув таъминоти тизимларида фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг асосий иссиқлик-техникавий ва конструктив параметрларини оптималлаштириш, куёш энергиясини иссиқликка айлантириш жараёнларини моделлаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

куёшлий сув иситиш коллекторлари япроқ қувур шаклидаги нур ютувчи панелларининг минимал массасида максимал иссиқлик унумдорлигини таъминлаш учун уларнинг қувурлари орасидаги масофани комплекс оптималлаштиришнинг услуби «MIR SOLAR» МЧЖ корхонасида жорий қилинган («Ўзэлтехсаноат» АКнинг 2017 йил 22 ноябрдаги 02-2974-сонли маълумотномаси). Илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг амалиётга жорий қилиниши коллекторларнинг алюминийдан ясалган нур ютувчи иссиқлик

алмаштиргич панелларининг элементларини тайёрлашда уларнинг ҳар 1 м² юзасидан 0,4015 кг алюминий тежаш имконини берган;

япроқ қувур шаклидаги нур ютувчи панеллар «MIR SOLAR» МЧЖ корхонасида SUV-10 русумли қуёший сув иситиш коллекторларини ишлаб чиқаришда жорий қилинган («Ўзэлтехсаноат» АКнинг 2017 йил 22 ноябрдаги 02-2974-сонли маълумотномаси). Ушбу коллекторлардан турар-жой, коммунал-маиший ва ижтимоий объектларининг йилнинг иссиқ мавсумида иссиқ сув таъминоти тизимларида фойдаланиш йилига 1457,1 минг м³ табиий газни иқтисод қилиш, ҳамда атроф-муҳитга чиқарилаётган СО₂ миқдорини 1972,3 тоннага камайтириш имконини берган;

жанубга йўналтирилган ва уфққа нисбатан бурчак остида жойлаштирилган ясси гелиоқурилмалар ёруғлик қабул қилувчи сиртларининг тўғри тушувчи қуёш нурлари билан ёритилиш вақтининг бошланиш ва тугаш онларини ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилиб, Катта Қуёш Сандони гелиостатларининг кузатув тизимларининг дастурий бошқарувида қўлланилган (ЎзР ФАнинг 2017 йил 22 ноябрдаги №2/1255-2479 маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши Катта Қуёш Сандони гелиостатларининг электр узатмаларига сарфланадиган йиллик электр энергия сарфини 4400 кВт·соат гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро конгресс ва анжуманларда, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография (хорижда), Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия қилган илмий нашрларда 18 та (16 та халқаро ва 2 та республика журналларида) мақола нашр этилган, 1 та фойдали модель учун патент ва ЭХМлар учун 3 та дастурий маҳсулотга гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 186 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Иссиқ сув таъминоти тизимларида суюқ иссиқлик ташувчи муҳитларни қиздиришга мўлжалланган ясси қуёш коллекторларининг асосий конструктив ечимлари, иссиқлик-техникавий параметрлари, иссиқлик ҳисоби моделлари ва синовлари**» деб номланган биринчи бобида ясси қуёш коллекторлари (ЯҚК)нинг асосий конструктив ечимлари, ишлаб чиқарилиш технологиялари, иссиқлик унумдорлигини аниқлаш бўйича амалдаги иссиқлик моделлари, иссиқлик синовлари услублари ва асосий конструктив ва режим параметрларини оптималлаштириш соҳасида бажарилган тадқиқотлар натижаларини қиёсий таҳлил қилиш асосида мазкур коллекторнинг шаффоф қоплама (ШҚ)ларида қуёш нурланиши (ҚН)нинг қисман ютилиши ва иссиқликка айланишининг коллектор нур ютувчи иссиқлик алмаштиргич панел (НИАП)ларининг мазкур ШҚ орқали иссиқлик йўқотишларига таъсири, уларнинг ўртача иш ҳарорати, уларнинг иссиқлик ташувчи канал (ИТК)ларида ҳаракатланаётган суюқ иссиқлик ташувчи муҳит (СИТМ)нинг ўртача массавий ҳарорати, тадқиқ қилинаётган япроқ-кувур НИАПларининг қувурлараро масофасини улар орқали ўтаётган СИТМ сарфига боғлиқ равишда ўрганилмаганлиги, мазкур НИАПларнинг амалдаги иссиқлик синовларини қайта ишлаш услублари асосида уларнинг иссиқлик самарадорлиги ва атроф-муҳитга иссиқлик йўқотиш коэффициентларини алоҳида аниқлашнинг имконияти йўқлиги ҳамда мазкур коллекторларнинг иссиқ сув таъминоти тизим (ИСТТ)ларидаги ресурс кўрсаткичларининг улардан олинадиган иссиқ сув ҳароратига боғлиқ равишда аниқлаш услубининг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги ифодаланган.

Диссертациянинг «**Ясси қуёш коллекторларининг шаффоф қопламаларида қуёш нурланишининг қисман ютилиши ва иссиқликка айланиши ва уларда ички иссиқлик манбаи мавжуд бўлганда кечаётган иссиқлик жараёнларини моделлаштириш**» деб номланган иккинчи бобида ЯҚКнинг ШҚларида улар орқали ўтаётган ҚНнинг қисман ютилиши ва иссиқликка айланиши натижасида уларда ички иссиқлик манбаи (ИИМ)нинг шаклланиши, ҳарорат майдонлари ва улар орқали иссиқлик узатилиши уларда ИИМ мавжуд бўлган ҳолат учун ўрганилган.

ЯҚК ШҚларида уларнинг ташқи сиртига тушувчи йиғинди (тўғри ва диффуз) ҚНнинг ва НИАП сиртидан қайтувчи ва ШҚнинг ички сиртига тушувчи диффуз ҚНнинг мазкур ШҚ орқали ўтиш жараёнида унинг ташқи ва

$$q_v(x) = \frac{1}{\delta_{uu}} \left[A_1 \left(1 - e^{-\frac{[\beta(\delta-x)]_{uu}}{\cos r_m}} \right) + A_2 \left(1 - e^{-\frac{(\beta x)_{uu}}{\cos r_m}} \right) + (B_1 + C_1) \left(1 - e^{-\frac{[\beta(\delta-x)]_{uu}}{\cos r_o^{\text{ref}}}} \right) + (B_2 + C_1) \left(1 - e^{-\frac{(\beta x)_{uu}}{\cos r_o^{\text{ref}}}} \right) \right] \quad (1)$$

1-ШҚ; 2-«НИАП-ШҚ» тизимининг БХҚ;
3- НИАП

**1-расм. ЯҚК ШҚлари орқали ўтаётган
ҚНларининг кўп марталаб ички қайтиши
ва ютилишининг принципиал схемаси**

$$q_{nom_w}^\Sigma = q_v \delta_w = (A_1 + A_2) \left[1 - \frac{\cos r_m}{(\beta \delta)_w} \left(1 - e^{-\frac{(\beta \delta)_w}{\cos r_m}} \right) \right] + (B_1 + B_2 + C_1 + C_2) \left[1 - \frac{\cos r_\partial}{(\beta \delta)_w} \left(1 - e^{-\frac{(\beta \delta)_w}{\cos r_\partial}} \right) \right] \quad (2)$$

Ҳисобий изланишлар натижаларига кўра қалинлиги ($\delta_{ш}$) 0,004 м, синдириш кўрсаткичи ($n_{ш}$) 1,526 бўлган оддий дераза шишасидан иборат ШҚда тўғри ($q_{туш}^T$) ва диффуз ($q_{туш}^D$) ҚН оқимининг юзавий зичлиги мос равишда 700 Вт/м^2 ва 70 Вт/м^2 бўлганда ҳамда мазкур ШҚ сиртига тушаётган ҚНнинг тушиш бурчаги (i_T) 30° , диффуз ҚНнинг эквивалент тушиш бурчаги ($i_{\delta}^{экв}$) $58,2^\circ$ бўлганда унда ҳосил бўлган ИИМ қувватининг

юзавий зичлиги ($q_{\Sigma_{\text{ют}_{\text{ш}}}}^{\Sigma}$) НИАП қорайтирилган сиртининг ҚНни интеграл самаравий қайтариш коэффиценти (ρ_p) 0,05 бўлганда 41,42 Bm/m^2 ва 0,10 бўлганда 43,26 Bm/m^2 ни ташкил қилади ва бу ҳолат учун (2) ифодадаги A_1 , A_2 , B_1 , B_2 , C_1 ва C_2 ларнинг қийматлари мос равишда 669,6; 27,1; 64,4; 4,9; 57,8 ва 7,3 Bm/m^2 ни ташкил қилади.

ЯҚҚнинг ШҚларида қуввати $\frac{q_{\Sigma_{\text{ют}_{\text{ш}}}}^{\Sigma}(x)}{\delta_{\text{ш}}}$ га тенг бўлган ИИМ мавжуд бўлган шароитда унинг иссиқлик ўтказувчанлик дифференциал тенгламасини

$$\frac{d^2 t_x}{dx^2} + \frac{q_{\Sigma_{\text{ют}_{\text{ш}}}}^{\Sigma}(x)}{(\delta\lambda)_{\text{ш}}} = 0 \quad (3)$$

интеграллаш асосида ишда мазкур ШҚ қалинлиги бўйича ҳарорат (t_x) ва иссиқлик оқими юзавий зичлигининг (q_x) тақсимланиши ва уларнинг ШҚ ички ($t_{\text{ш}}, q_{x=0}$) ва ташқи ($t_{\text{ш}_2}, q_{x=\delta}$) сиртларидаги қийматларини ҳисоблаш учун тегишли ифодалар ҳосил қилинган.

Табиийки, ЯҚҚнинг ШҚларида ИИМнинг мавжудлиги унинг ички сирти ($t_{\text{ш}_1}$) ҳароратининг $\Delta t_{\text{ш}_1}$ га ошишига ва бу ўз навбатида НИАПнинг мазкур ШҚ орқали иссиқлик йўқотишини

$$\Delta q_{\text{ш}_1} = K_{\text{ш}_{p-o}} (\bar{t}_p - t_o) - \alpha_{\Sigma_{\text{ш}_{p-\text{ш}_1}}}^{\Sigma} \Delta t_{\text{ш}_1} \quad (4)$$

га камайишига олиб келади. Бу ерда

$$K_{\text{ш}_{p-o}} = \left(\frac{1}{\alpha_{\Sigma_{\text{ш}_{p-\text{ш}_1}}}^{\Sigma}} + \frac{\delta_{\text{ш}}}{\lambda_{\text{ш}}} + \frac{1}{\alpha_{\Sigma_{\text{таш}_{\text{ш}_2-o}}}^{\Sigma}} \right)^{-1} \quad (5)$$

– НИАПнинг мазкур ШҚда ИИМ мавжуд бўлмаган ҳолда (яъни $\beta_c=0$)ги иссиқлик йўқотиш коэффиценти; $\alpha_{\Sigma_{\text{ш}_{p-\text{ш}_1}}}^{\Sigma}$ – НИАП ва ШҚнинг ички сирти ўртасидаги умумий (конвектив ва нурланиш орқали) иссиқлик алмашинув коэффиценти; λ_c – ШҚ материалининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти; $\alpha_{\Sigma_{\text{таш}_{\text{ш}_2-o}}}^{\Sigma}$ – ШҚ ташқи сирти ва атроф-муҳит ўртасидаги умумий иссиқлик алмашинув коэффиценти; $\bar{t}_p$ – НИАПнинг ўртача иш ҳарорати; t_o – атроф-муҳит ҳарорати.

Ишда (4) ифодадаги $\Delta t_{\text{ш}_1}$ қийматининг шаклланиш қонуниятларини таҳлил қилиш асосида НИАПнинг ШҚ орқали атроф-муҳитга самаравий иссиқлик йўқотиш коэффицентини аниқлаш учун

$$K_{\text{ш}_{p-o}}^{\text{эфф}} = K_{\text{ш}_{p-o}} \left[1 - 2,36 \cdot 10^{-3} \frac{\beta_c q_{\Sigma_{\text{таш}_{\text{ш}_2-o}}}^{\Sigma} (0,9485 + \rho_{p-\text{эфф}})}{\alpha_{\Sigma_{\text{таш}_{\text{ш}_2-o}}}^{\Sigma} (\bar{t}_{p-\text{эфф}} - t_o)} \right] \quad (6)$$

аппроксимацион ифода ўрнатилиб, унда $K_{\text{ш}_{p-o}}$ дан фарқли равишда, ШҚда

ҚНнинг қисман ютилиши ва иссиқликка айланиши ҳамда НИАП сиртининг самаравий нур қайтариш коэффициенти $\rho_{p_{эфф}}$ ҳисобга олинган.

Бажарилган илмий изланишлар натижаларига кўра $q_{туш_c}^\Sigma = 800 \text{ Вт/м}^2$, $\alpha_{таш_{ш2-o}}^\Sigma = 25,0 \text{ Вт/(м}^2 \cdot \text{°C)}$, $\bar{t}_p = 50^\circ\text{C}$, $t_o = 30^\circ\text{C}$; $\delta_{ш} = 0,004 \text{ м}$, $\lambda_{ш} = 0,75 \text{ Вт/(м} \cdot \text{°C)}$, $\alpha_{хк_{p-ш1}}^\Sigma = 8,4406 \text{ Вт/(м}^2 \cdot \text{°C)}$ ва $\rho_{p_{эфф}} = 0,05$ бўлганда яхши сифатли ШҚлар ($\beta_{ш} = 15 \div 20 \text{ м}^{-1}$) учун $K_{ш_{p-o}}^{эфф}$ нинг $K_{ш_{p-o}}$ ($6,118 \text{ Вт/(м}^2 \cdot \text{°C)}$)га нисбатан камайиши $7 \div 9\%$ ни ва ўрта сифатли ШҚлар ($\beta_{ш} = 30 \div 35 \text{ м}^{-1}$) учун $11,3-13,7\%$ ни ташкил қилади. Ишда «НИАП–ШҚ» тизими БХҚ қатламида кечадиган иссиқлик жараёнларининг $\alpha_{хк_{p-ш1}}^\Sigma$ нинг БХҚ нинг ўртача ҳарорати ($\bar{t}_{хк}$)га боғлиқлиги қонуниятларини тадқиқ қилиш асосида ўзгарганда ва $\alpha_{таш_{ш2-o}}^\Sigma = 25,0 \text{ Вт/(м}^2 \cdot \text{°C)}$, $\delta_{ш} = 0,004 \text{ м}$, $\lambda_{ш} = 0,75 \text{ Вт/(м} \cdot \text{°C)}$ бўлганда ЯҚКнинг БХҚнинг оптимал қалинлиги $\delta = 0,014 \text{ м}$ ва $\beta_c = 0$ бўлганда $K_{кел_{p-o}}$ нинг $\bar{t}_p$ ва t_o қийматларининг $40^\circ\text{C} \leq \bar{t}_p \leq 60^\circ\text{C}$ ва $20^\circ\text{C} \leq t_o \leq 40^\circ\text{C}$ диапазонлардаги ўзгаришларига боғлиқлиги аниқлаш учун

$$K_{кел_{p-o}} = 5,8426 + 0,0218 \bar{t}_p + 0,0117 t_o, \text{ Вт/(м}^2 \cdot \text{°C)} \quad (7)$$

аппроксимацион ифода ўрнатилди.

Коллектор ШҚсида ҚНнинг қисман ютилиши ва иссиқликка айланишини ҳисобга олган ҳолда коллекторнинг самаравий келтирилган иссиқлик йўқотиш коэффициенти ($K_{кел_{p-o}}^{эфф}$) ни аниқлаш учун

$$K_{кел_{p-o}}^{эфф} = \left(4,2501 + 0,0218 \bar{t}_{p_{эфф}} + 0,0117 t_o \right) (1 - A \beta_c / (\bar{t}_{p_{эфф}} - t_o)) + 1,5925, \text{ Вт/(м}^2 \cdot \text{°C)}, \quad (8)$$

ифода тақдим қилинди. Унда

$$A = 2,36 \cdot 10^{-3} q_{туш_{ш}}^\Sigma (0,9485 + \rho_{p_{эфф}}) / \alpha_{таш_{ш2-o}}^\Sigma, \text{ м} \cdot \text{°C}. \quad (9)$$

$\beta_c = 0$ бўлганда (8) ечим (7) шаклга келади.

Диссертациянинг «Суюқ иссиқлик ташувчи муҳитларни қиздиришга мўлжалланган ясси қуёш коллекторларининг япроқ-қувур шаклидаги нур ютувчи иссиқлик алмаштиргич панелларида кечадиган иссиқлик жараёнларини моделлаштириш» деб номланган учинчи бобида ЯҚКнинг асосий унсури бўлган ҚНни ютиб, уни паст потенциалли иссиқликка айлантирувчи ва уни қиздириладиган муҳитга берувчи НИАПларининг асосий иссиқлик-техникавий параметрларини моделлаштириш ёрдамида аниқлаш натижалари келтирилган.

НИАПлардаги иссиқлик жараёнлари унинг қорайтирилган сиртида ютилаётган йиғинди ҚН, унинг ўртача иш ҳарорати ва унинг ИТКларида ҳаракатланаётган СИТМнинг ўртача массавий ҳарорати, режими ва тавсифи таъсири остида шаклланади.

НИАПнинг қорайтирилган сиртида ютиладиган йиғинди ҚН оқимининг юзавий зичлиги ($q_{\text{ют}p}^{\Sigma}$)

$$q_{\text{ют}p}^{\Sigma} = (\alpha_p \tau_{\text{шк}})_{\text{эфф}}^m q_{\text{тушш}}^m + (\alpha_p \tau_{\text{шк}})_{\text{эфф}}^{\delta} q_{\text{тушш}}^{\delta}, \quad (10)$$


ифода орқали аниқланади. Бу ерда $(\alpha_p \tau_{\text{шк}})_{\text{эфф}}^m$ ва $(\alpha_p \tau_{\text{шк}})_{\text{эфф}}^{\delta}$ – НИАП қорайтирилган сиртининг тўғри ва диффуз ҚН учун келтирилган самаравий ютиш коэффицентлари.

Ишда ШҚларнинг ҚНни самаравий ўтказиш коэффиценти ($\tau_{\text{шэфф}}$) НИАП сиртининг ҚНни самаравий ютиш коэффиценти ($\alpha_{p\text{эфф}}$) ва ШҚнинг ташқи сиртидаги чанг ва кир қатламларининг тушаётган ҚНни ўтказиш коэффиценти ($\tau_{\text{чк}}$)ни аниқлаш бўйича ифодалар асосида НИАП сиртининг мазкур коллектор фронтал сиртининг бирлик юзасига келтирилган самаравий иссиқлик йўқотиш коэффицентини аниқлаш учун

$$(\alpha_p \tau_{\text{шк}})_{\text{эфф}} = \left[\frac{(1-\rho_{\text{ш}})^2 \tau_{\text{чк}} e^{-\frac{(\beta\delta)_{\text{ш}}}{\cos r}}}{1-\rho_{\text{ш}}^2 e^{-\frac{2(\beta\delta)_{\text{ш}}}{\cos r}}} - (1-\tau_{\text{шр}}) \right] \frac{\alpha_p}{1-\rho_p \rho_{\text{шэфф}}^{\delta}}, \quad (11)$$

тўғри ва диффуз ҚН учун умумий ҳолда ёзилган ифода ҳосил қилиниб, унда $\rho_{\text{ш}}$ – ШҚнинг ҚНни қайтариш коэффиценти; α_p – НИАП қорайтирилган сиртининг ҚНни ютиш коэффиценти; $\rho_{\text{шэфф}}^{\delta}$ – ШҚнинг НИАП қорайтирилган сиртидан қайтувчи диффуз ҚНни самаравий қайтариш коэффиценти; $\tau_{\text{шр}}$ – ШҚ ромининг ҚН ўтказиш коэффиценти.

Бир қатламли оддий дераза шиша ($\delta_{\text{ш}}=0,004$ м, $n_{\text{ш}}=1,526$)сидан иборат бўлган ШҚ учун $i_m=0$; $i_{\text{эфф}}^{\text{ЭКВ}}=58,2^{\circ}$; $\tau_{\text{шр}}=0,93$; $\tau_{\text{чк}}=0,94$; $\rho_{p\text{эфф}}=0,05$; $\alpha_p^m=0,95$; $\rho_{p_r}=0,05$; $\alpha_p^{\delta}=0,90$; $\rho_p^{\delta}=0,10$ ва $\rho_{\text{шэфф}}^{\delta}=0,15$ бўлгандаги $(\alpha_p \tau_{\text{шк}})_{\text{эфф}}^m$ ва $(\alpha_p \tau_{\text{шк}})_{\text{эфф}}^{\delta}$ ларнинг $\beta_{\text{ш}}$ га боғлиқлик графиклари 2-расмда келтирилган.



2-расм. $(\alpha_p \tau_{\text{шк}})_{\text{эфф}}$ нинг $\beta_{\text{ш}}$ га боғлиқлиги

2-расмдаги графикларнинг таҳлилига кўра $(\alpha_p \tau_{\text{шк}})_{\text{эфф}}^m$ ва $(\alpha_p \tau_{\text{шк}})_{\text{эфф}}^{\delta}$ ларнинг $\beta_{\text{ш}}$ га боғлиқлиги унинг 0 дан 35 м^{-1} гача бўлган ўзгариш оралиғида деярли чизикли бўлганлиги боис мазкур боғлиқликни

$$(\alpha_p \tau_{\text{шк}})_{\text{эфф}}^m = 0,758 - 0,0016 \beta_{\text{ш}}, \quad (12)$$

$$(\alpha_p \tau_{\text{шк}})_{\text{эфф}}^{\delta} = 0,660 - 0,0014 \beta_{\text{ш}} \quad (13)$$

аппроксимацион ифодалар орқали тақдим қилиш мумкин.

СИТМларни қиздиришга мўлжалланган ЯҚК НИАПларида кечадиган иссиқлик жараёнларини моделлаштиришнинг марказий масалаларидан бири

уларнинг атроф-муҳитга йўқотадиган иссиқлик оқимини ҳисоблашдаги асосий фактор бўлган ўртача иш ҳарорати ($\bar{t}_p$)ни аниқлашдир.

Мазкур масалани тажриба усули билан, яъни $q_{\Sigma_{юм_{и}}}$ ва t_o нинг ҳар хил қийматларида кўп сонли термोजуфтликлар орқали НИАПларнинг юзасидаги маҳаллий ҳароратларни ўлчаб, уларнинг ўртача қийматлари асосида аниқлаш иложсиз хатоликларга олиб келади. Шу боис $\bar{t}_p$ нинг қийматини ШҚ орқали ўтаётган ҚНнинг қисман ютилиши ва иссиқликка айланиши таъсирини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш учун (8) ифода ва ЯҚКларнинг келтирилган иссиқлик унумдорлигини аниқлаш бўйича

$$q_{\phi o i} = q_{\Sigma_{юм_p}} - K_{кел_{p-o}}^{\phi \phi} (\bar{t}_{p_{\phi \phi}} - t_o) \quad (14)$$

ифодани биргаликда ечиш асосида илк бор бевосита (контактсиз) усул таклиф қилинди ва $\bar{t}_{p_{\phi \phi}}$ нинг қийматини аниқлаш учун

$$\bar{t}_{p_{\phi \phi}} = 22,9358 \{ [(5,8426 - 0,010 t_o - 0,0218 A\beta_c)^2 + 0,0872 ((5,8426 + 0,0117 A\beta_c) t_o + 0,0117 t_o^2 + 4,2501 A\beta_c + q_{\Sigma_{юм_p}} - q_{\phi o i})]^{0,5} - 58426 + 0,0101 t_o + 0,028 A\beta_c \}, ^\circ C \quad (15)$$

формула таклиф қилиниб, унинг ишончлилиқ даражаси асослаб берилди.

(15) формулада

$$q_{\phi o i} = (\dot{m} c_p)_f (t_{f_{чиқ}} - t_{f_{кир}}) \quad (16)$$

қаралаётган коллекторнинг бирлик фронтал сирти юзасига келтирилган иссиқлик унумдорлиги, $\dot{m}_f$ – коллектор орқали ўтаётган СИТМнинг унинг бирлик фронтал сирти юзасига келтирилган сарфи; c_p – СИТМнинг солиш-тирма иссиқлик сиғими; $t_{f_{кир}}$ ва $t_{f_{чиқ}}$ – мос равишда СИТМнинг коллекторга киришдаги ва ундан чиқишдаги ҳароратлари.

ЯҚКнинг НИАПларида кечадиган иссиқлик жараёнларини моделлаштиришнинг яна бир муҳим жиҳати улар орқали оқиб ўтаётган СИТМнинг мазкур НИАПларнинг ИТКлари узунлиги бўйича ўрталаштирилган ўртача массавий ҳарорати ($\bar{t}_{f_l}$)ни аниқлашдир.

Юқорида (кириш қисмда) таъкидлаб ўтилганидек, мавжуд амалиётда ЯҚКнинг иссиқлик синовлари натижаларини қайта ишлашда $\bar{t}_{f_l}$ нинг ўрнига унинг

$$\bar{t}_{f_{ap}} = 0.5(t_{f_{чиқ}} + t_{f_{кир}}) \quad (17)$$

ифода ёрдамида аниқланадиган ўртача арифметик қийматидан фойдаланилади ва мазкур ифода бўйича ҳисобланган $\bar{t}_{f_{ap}}$ нинг қиймати $\dot{m}_f$ га боғлиқ ҳолда 4÷5% гача хатоликка олиб келади.

Япроқ-кувур шаклидаги НИАП бирлик унсурининг элементар бўлаги учун иссиқлик баланси тенгламасини тузиш ва уни (14) ва (16) ифодалар

